

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI» АЖ

Кузатув кенгашининг

2025 йил «__» _____ даги қарори билан
(2025 йил «05» 09 даги __-сонли баённома)

3/2025

I. Umumiy qoidalар

II. Korporativ maslahatchisi

III. Korporativ maslahatchisi vakolatlarining belgilanishi va talablari

IV. Korporativ maslahatchisi funksiyalari

V. Boshqaruв organlari bilan uzaro hamkorlik

VI. Korporativ maslahatchisi xususiy va ixtiyoriy qoidalari

VII. Korporativ maslahatchisi manfaatlarini qutqalish

VIII. Nazorat va ixtiyoriy qoidalari

IX. Jazolar va ixtiyoriy qoidalari

X. Boshqaruв qoidalari

**«YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI» АЖнинг
корпоратив маслахатчиси тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «**YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI**» АЖнинг корпоратив маслаҳатчи тўғрисида»ги мазкур Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «**YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI**» АЖнинг Устави (кейинги ўринларда Устав деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Жамият фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларининг амал қилинишини таъминлаш, Жамият Кузатув кенгашининг иш самарадорлигини қўллаб-қувватлаш, Жамиятнинг акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш ва Жамиятнинг акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

3. Мазкур Низом Жамият корпоратив маслаҳатчисининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, унинг фаолияти ва Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиқ тартибини белгилайди.

4. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси ўз иш фаолияти давомида Қонун, Жамият Устави, ички ҳужжатлари, мазкур Низом ва бошқа қонуний-меърий ҳужжатларга амал қилади.

II. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

5. Корпоратив маслаҳатчи унга юклатилган мажбуриятларни бажаришда билим, тажриба ва малакага, бенуқсон обрўга эга бўлиши ва акциядорлар ишончини қозониши лозим.

Корпоратив маслаҳатчига қўйиладиган малака талаблари:

а) олий юридик ёки иқтисодий маълумот мавжуд бўлиши, шу жумладан ҳорижий давлат олий таълим муассасаларида олинган ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий маълумотга эквивалентлиги тан олинган олий юридик ёки иқтисодий маълумот, шунингдек корпоратив бошқарув ёки қимматли қоғозлар бозори соҳасида ёки бу соҳада таълим бериш бўйича охириги 10 йил ичида 2 йиллик амалий иш стажы мавжуд бўлиши;

б) олий иқтисодий бўлмаган маълумот мавжуд бўлиши, шу жумладан ҳорижий давлат олий таълим муассасаларида олинган ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий маълумотга эквивалентлиги тан олинган олий иқтисодий бўлмаган маълумот, шунингдек акциядорлик жамиятида корпоратив маслаҳатчи, корпоратив муносабатларни қўллаб-қувватлаш ваколатига эга акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси ходими, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, фонд

биржаси ёки Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар бўйича мутахассис сифатида охириги 10 йил ичида 5 (беш) йилдан кам бўлмаган иш стажи мавжуд бўлиши;

в)ўқув марказларида махсус тайёрлов курсларини ўтиш;

г)Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан бериладиган қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномаси мавжудлиги;

д)Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан бериладиган корпоратив бошқарувчи малака гувоҳномаси мавжудлиги;

6. Манфаатлар қарама-қаршилиги ва Корпоратив маслаҳатчи томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликни олдини олиш мақсадида қуйидаги шахслар Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси бўла олмайдилар:

а)Жамиятнинг аффилиланган шахслари;

б)Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг яқин қариндошлари.

7. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси фаолияти Жамиятдаги бошқа турдаги фаолият билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин эмас

III. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

8. Корпоратив маслаҳатчи лавозими Жамият ташкилий тузилмасида белгиланади ва Жамият штат жадвалига киритилади.

9. Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимига номзодларни кўриб чиқади ва Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун тавсиялар киритади.

10. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзод қуйидаги ахборотни ошкор этиши шарт:

а)Жамият акцияларига эгалик қилиш;

б)Жамият билан рақобатдош бошқа акциядорлик жамиятларида ишлаши;

в)Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан муносабати;

г) Корпоратив маслаҳатчи вазифасини бажаришга таъсир этувчи бошқа ахборот.

11. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш тўғрисидаги Жамият Кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан ёки Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилганда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12. Корпоратив маслаҳатчи ягона акциядор умумий йиғилишигача 1 йил муддатга тайинланади.

13. Шартнома Жамият номидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши бошқарувчиси томонидан имзоланади.

14. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг кузатув кенгашига бевосита бўйсунди ва ҳисобот беради.

15. Корпоратив маслаҳатчи лавозимининг муддатидан олдин тугатилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

16. Қонунга мувофиқ корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

17. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Ягона акциядор йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказилишида иштирок этиш;
 б) Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва қўмиталарининг фаолиятини таъминлаш;
 в) бошқарув органлари томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан назорат қилиш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг корпоратив қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг аниқланган ҳолатлари, шунингдек корпоратив маслаҳатчи ижроси бўйича маъул бўлган Жамият ички ҳужжатларининг ҳолати тўғрисида тезкор хабар бериш,

д) Қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган акциядорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминловчи тартибни амалга оширилишини таъминлаш ва уларнинг риоя этилишини назорат қилиш;

е) Жамиятнинг ахборот сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш ва ахборотни ошкор этиш бўйича қонун ҳужжатлари риоя этилиши устидан назорат қилиш;

ж) тўқнашувни тартибга солиш;

з) Корпоратив маслаҳатчининг ваколатлари доирасида Жамият ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи, савдо ташкилотчилари, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

и) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва амалиётини ривожлантиришда иштирок этиш;

к) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини риоя этилиши устидан назорат қилиш;

л) Жамиятнинг корпоратив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш.

18. Қонунчилик талаблари, Жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори асосида ягона акциядор йиғилишига тайёргарлик кўрилиши ва ўтказилиши устидан назорат қилади.

19. Ягона акциядор йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида корпоратив маслаҳатчи:

а) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари, YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI комиссияси раиси ва аъзолари ва ташқи аудитрини ягона акциядор йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилади;

б) Ягона акциядор йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тайёрлашни назорат қилади;

в) Ягона акциядор йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни лозим даражада хабардор қилишни назорат қилиш ва Ягона акциядор йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида акциядорларга тақдим этиладиган ҳужжатлар билан танишишга рухсат олишни таъминлайди ;

г) Ягона акциядор йиғилиши иштирокчиларининг умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб беради ва мазкур жараён билан боғлиқ тўқнашувларни ҳал этиш учун чоралар кўради;

д) Ягона акциядор йиғилиши баённомаси юритилишини ташкиллаштиради;

е) Ягона акциядор йиғилиши қарорлари ва сайлов натижаларини Жамият акциядорларига ўз вақтида етказилиши устидан назорат қилади.

20. Қонунчилик талаблари, Жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкиллаштиради.

21. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисининг йиллик иш режаси ва жадвали лойиҳасини тузади ва Кузатув кенгаши раисига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилади.

22. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгашининг сайланган аъзоларини Жамиятнинг ташкилий тузилмаси, Устави ва бошқа ички ҳужжатлари билан таништиради, Жамиятнинг мансабдор шахслари тўғрисида хабардор қилади, ягона акциядор йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари билан таништиради, амалдаги Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва бошқа бошқарув органларининг фаолияти тартибини тушунтиради ва Кузатув кенгаши аъзоларининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни тақдим қилади.

20. Қонунчилик талаблари, Жамият Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва бошқа ички ҳужжатларга мувофиқ корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисининг ўтказиш тартибига лозим даражада риоя қилинишини таъминлайди.

Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисида Кузатув кенгашининг барча аъзоларини мажлис ўтказиладиган санадан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай хабардор қилади.

21. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши аъзоларига улар учун зарур бўлган ахборотни олишга қўмаклашиш мақсадида уларни ижроия органи қарорлари, ижроия органи раҳбарининг буйруқ ва фармойишлари, ижроия органининг бошқа ҳужжатлари, YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI комиссияси мажлисининг баённомаси ва хулосаси, ички аудит хизмати ҳисоботи, ташқи аудиторнинг ҳисоботи ва хулосаси билан таништиради.

22. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши аъзоларига кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш, ягона акциядор йиғилиши мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Жамият тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш (тақдим қилиш) тартиби

масалалари билан боғлиқ қонунчилик талаблари, Жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатлари бўйича тушунтириш беради.

23. Зарур ҳолларда корпоратив маслаҳатчи уларга овоз бериш бюллетенини (сўров йўли билан овоз беришда) юбориш (топшириш)ни таъминлайди, тўлдирилган бюллетенлар, йиғилишда иштирок этмаган Кузатув кенгаши аъзоларининг ёзма фикрларини тўплайди ва уларни кузатув кенгаши раисига тақдим қилади.

24. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисининг баённомасини юритади.

25. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг барча бошқарув органлари томонидан Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назорат қилади, шунингдек белгиланган тартибда ушбу ҳужжатларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқади.

26. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив тартибнинг бузилиши аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Кузатув кенгаши раисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

27. Корпоратив маслаҳатчи келиб тушган сўровлар асосида Жамият акциядорларига ахборотни ўз вақтида тақдим этиш устидан назорат қилади.

28. Корпоратив маслаҳатчи акциядорлардан келиб тушган мурожаатларни лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлайди, мурожаатларни Жамиятнинг тегишли бошқарув органлари ёки таркибий бўлинмаларига юборади, шунингдек ушбу мурожаатларнинг улар томонидан кўриб чиқилиши устидан назорат қилади.

29. Корпоратив маслаҳатчи акциядорларнинг талаби билан Жамият томонидан акцияларнинг қайтариб сотиб олинишида ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда акциядорлар ҳуқуқларининг риоя қилиниши устидан назорат қилади.

30. Корпоратив маслаҳатчи Жамият тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш (тақдим этиш) устидан назорат қилади. Хусусан, Корпоратив маслаҳатчи:

а) Қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан ахборотни ошкор қилиниши (тақдим этилиши) (Жамиятнинг қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласида акс этган, шунингдек жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор муҳим фактлар тўғрисидаги ахборотнинг Жамият томонидан ўз вақтида ошкор қилиниши) устидан назорат қилади.

б) Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ Жамият томонидан ахборотни ошкор қилиниши (тақдим этилиши)ни назорат қилади.

33. Корпоратив маслаҳатчи акциядорлар ҳуқуқларининг бузилиши бўйича тўқнашувларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлайди. Корпоратив консультант акциядорлардан келиб тушган шикоятларга тушунтириш бериш ва Жамият акциядорларинингреестрини шакллантириш ва юритишга доир масалалар билан Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига ва Жамият акцияларини ҳисобини юритувчи инвестиция воситачиларига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

34. Корпоратив маслаҳатчи акциядорлар, кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари ўртасидаги потенциал ва реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида кузатув кенгаши раисини хабардор қилади ва ўз ваколатлари доирасида уларни ҳал этишда иштирок этади.

35. Корпоратив маслаҳатчи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг кўрсатмаларини кўриб чиқади, Жамият томонидан корпоратив қонунчилик талабларининг бузилиш ҳолатларини кўриб чикувчи комиссиянинг мажлисларида иштирок этади ва ҳк.

36. Корпоратив маслаҳатчи Жамият акцияларининг листинг ва делистинг бўйича масалаларни ҳал этишда иштирок этади.

37. Корпоратив маслаҳатчи Жамият акциядорларининг реестрини юритиш ва шакллантириш тартиби бузилиши ҳолатларини ҳал этишда иштирок этади.

38. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг корпоратив бошқарув сиёсатини ишлаб чиқиш, риоя этиш ва вақти-вақти билан қайтадан кўриб чиқиш, шунингдек ушбу соҳадаги мавжуд амалиётни таҳлил этиш бўйича кузатув кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Корпоратив маслаҳатчи қонунчиликдаги ва дунё миқёсида тан олинган илғор корпоратив бошқарув амалиётидаги сўнгги ўзгаришлардан хабардор бўлишга интилиши ва тегишли ахборотни кузатув кенгаши раисига вақти-вақти билан тақдим қилиши лозим.

39. Корпоратив маслаҳатчи Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг риоя этилиши бўйича мажбуриятларнинг Жамият томонидан бажарилишини назорат қилади.

40. Корпоратив маслаҳатчи «риоя қил ёки тушунтир» халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг Жамият томонидан риоя этилиши имкони мавжуд бўлмаганлик тўғрисидаги хабарни ўз вақтида чоп этишни назорат қилади.

41. Корпоратив маслаҳатчи кузатув кенгаши мажлиси баённомалари ва бошқа ҳужжатлари, ягона акциядор йиғилиши баённомалари ва корпоратив маслаҳатчи сақлаши лозим бўлган Жамиятнинг бошқа корпоратив ҳужжатларининг сақланишини, улардан фойдаланишни, шунингдек уларнинг нусхаларини тақдим қилинишини таъминлайди. Ҳужжат нусхалари корпоратив маслаҳатчи томонидан тасдиқланиши лозим.

42. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив қонунчилик талабларининг Жамият томонидан риоя этилиши бўйича бошқа вазифаларни бажаришга ғақли.

V. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИК

43. Корпоратив маслаҳатчи ўз ваколат доирасига қирувчи масалалар бўйича мустақил тарзда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

44. Ўз ваколат доирасига қирмаган масалалар бўйича Корпоратив маслаҳатчи кузатув кенгашининг топшириғи кўра Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

45. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда акциядорларлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.
46. Корпоратив маслаҳатчи ижроия органива кузатув кенгаши ўртасида ҳужжатлар ва ахборотнинг ўтказилишини таъминлайди.
47. Корпоратив маслаҳатчи YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI комиссияси, Ички аудит хизмати ва Кузатув кенгаши ўртасида ҳужжатлар ва ахборотни етказиб берилишини таъминлайди.
48. Корпоратив маслаҳатчи акциядорларнинг мурожаатларини Кузатув кенгаши раиси, ва Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига ўтказилишини таъминлайди.
49. Кузатув кенгаши аъзоси, агарда унинг манфаатлари Жамият манфаатлари билан тўқнаш келса, Кузатув кенгаши раисини Корпоратив маслаҳатчи орқали хабардор қилади.
50. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг корпоратив тартибларига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида Жамиятнинг юридик хизмати билан ўзаро ҳамкорлик қилади.
51. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ўртасида ахборот алмашинуви оқимини ташкил этиш ва самарали фойдаланишга кўмаклашади.

VI. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

52. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- а) ўз ваколатлари доирасида ёки Жамият Кузатув кенгашининг топшириғига кўра Жамиятнинг ижроия органи ва назорат органларидан Жамиятнинг ҳужжатларини сўраш ва олиш;
 - б) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг бошқарув органларига масалаларни кўриб чиқиш учун киритиш;
 - в) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг Жамият Устави ва ички ҳужжатларининг риоя этилишини назорат қилиш;
 - г) Корпоратив маслаҳатчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
53. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси:
- а) Жамият ва унинг акциядорлари манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши;
 - б) унга юклатилган мажбуриятларни виждонан бажариши;
 - в) Корпоратив маслаҳатчиси ва Жамият ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисини зудлик билан хабардор қилиши шарт.
- Корпоратив маслаҳатчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

VII. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ

54. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчисига ўз вазифасини бажариб турган давр учун мукофот тўланиши ва (ёки) ўз вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин.

55. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчисини мукофотлаш тартиби Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

56. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолиятини баҳолайди ва Корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш тўғрисидаги таклифларни киритади.

57. Корпоратив маслаҳатчини ҳар чоракда мукофотлаш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Корпоратив маслаҳатчини йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисидаги қарор ягона акциядор йиғилиши томонидан қабул қилинади.

58. Корпоратив маслаҳатчи вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

VIII. НАЗОРАТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

59. Ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Корпоратив маслаҳатчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

60. Мазкур Низом талабларининг бажарилиши устидан назорат Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

61. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

IX. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

62. Жамият корпоратив веб-сайтида қуйидагиларни жойлаштиради:

- Мазкур Низом, шунингдек, унга бўлган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзолангандан кейинги 5 (беш) иш куни ичида;
- Жамият Корпоратив маслаҳатчисининг исми, шарифи, отасининг исми, унинг маълумоти ва касбий кўникмалари тўғрисида қисқача маълумот;
- охирги 10 (ўн) йил ичида иш фаолияти тўғрисида маълумот;
- Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган Кузатув кенгаши мажлиси баённомасининг сони ва санаси;
- Жамият Корпоратив маслаҳатчисининг манзили, телефони, электрон почта манзили тўғрисида маълумот.

X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

63. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

64. Қонунчиликка ўзгартиш киритилиши, Жамиятнинг Устави, ички ҳужжатларига ўзгартиш ва/ёки қўшимча киритилиши ва бошқа ҳолатларда мазкур Тартибга ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

65. Агар мазкур Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар бу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Жамият Уставига асосан амал қилиниши лозим.